



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGINING

BUYRUG' I

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни таъсис этиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 марта ги “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2834-сон қарорида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни таъсис этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 марта ги ПҚ-2834-сон қарори ижросини таъминлаш максадида, буюраман:

1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия таъсис этилсин ҳамда “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низом иловага мувофик тасдиклансан.
2. ТАТУ (Т.Тешабаев) хар йили 20 августга қадар кейинги ўқув йили учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия сони ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодлар тўғрисидаги тақдимномани Университет Васийлик, кенгашида кўриб чиқиш учун киритилишини таъминласин.
3. Мазкур буйрукнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда колдираман.

Вазир в.б.

Ш. Шерматов

Toshkent sh.

20 12 yil, 10 08

404-son

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг
2017 йил “10.08” даги “404”-сон бўйргига илова

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия
ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**

Низом

I. Умумий қоидалар

1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2834-сон қарорига мувофиқ Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун таъсис этилган.

2. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари (кейинги ўринларда-Университет)нинг бакалавриат бўйича ўқиётган иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс ҳамда магистратура бўйича иккинчи курс талабаларига тайинланади.

II. Стипендияни белгилаш тартиби

3. 2017-2018 ўкув йили ва ундан кейинги ўкув йиллари учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия сони ҳар йили 20 августга қадар Университет ректорининг тақдимномасига асосан Университетнинг Васийлик кенгashi томонидан белгиланади.

4. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия квотаси Университет томонидан таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида талабалар сонига мувофиқ тақсимланади. Бунда ҳар бир 500 нафар талабага 1 та квота ажратилади.

5. Университет иқтидорли талабалари учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 2,0 баробари микдорида белгиланади.

6. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия Университет талабаларининг ойлик стипендиясига қўшиб берилади.

7. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия Университет ҳузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамгармаси маблаглари ҳисобидан копланади.

III. Номзодларга қўйиладиган талаблар

8. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга ўкув жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган (ўкув йили якунига (иккала семестр натижасаларига) кўра, фанлардан ўртача бали 86 ва ундан юқори баллни ташкил этган ҳолда, барча фанлардан 71 балдан юқори баҳо олган бўлиши зарур), жамоат ишларида фаол, ташаббускор ва интилевчан, ижтимоий хаётда фаол иштирок этаётган, республика ҳамда халқаро олимпиада (шунингдек, спорт мусобақалари) голиблари ва совриндорлари, АКТга оид илмий-тадқиқот, йирик дастурлар ва изланишларда иштирок этаётган ҳамда АКТга оид илмий мақолалар ёзган, дастурий ва техник ишланмалар яратган ва бу йўналишда фаол қатнашаётган Университет ва унинг филиаллари талабалари даъвогар бўлишлари мумкин.

9. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга даъвогар номзодларнинг хужжатлари Университетнинг илмий Кенгashiда холисона, адолат тамойиллари асосида ҳар томонлама қўриб чиқилган ҳолда Кенгаш қарорига мувофиқ, Университет ректорининг тақдимномасида акс эттирилиши лозим.

IV. Стипендияга топшириладиган хужжатлар

10. Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга тақдим этилаётган номзодлар күйидеги хужжатларни Университетнинг Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига (*Университет филиаларида Маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарига*) топширадилар:

номзоднинг рейтинг (синов) дафтарасидан кўчирма;
талабгорнинг факультети (таълим йўналиши) деканати, кафедраси тавсияномаси;
тавсифнома (характеристика);
номзоднинг эришган ютуклари, хизматларини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси;
илемий конференция ва семинарларда иштирок этган маъруза тезислари, маколалари,
илемий журналларда чоп этилган илемий маколалари нусхаси;
илемий ишлар нусхалари ва бошқа кўшимча маълумотлар.

Барча хужжатлар бир нусхада йиғма жилдга жойлануб тақдим этилади.

Йиғма жилд муқовасида ўкув муассасасининг номи, номзоднинг исми ва фамилияси,
факультет/бўлим номи кўрсатилади.

V. Хужжатларни кўриб чиқиши тартиби

11. Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодларнинг хужжатлари ҳар йили 1 июнга қадар Университетнинг Маънавий –маърифий ишлар бўйича проректори (*Университет филиаларида Маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари*) томонидан кўриб чиқилади ва Университетнинг илемий Кенгашига киритилади.

12. Университетнинг илемий Кенгashi томонидан Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодларнинг хужжатлари июнь ойи кенгашида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

Номзодларни кўриб чиқиша устуворлик ўқиши аъло баҳоларга ўзлаштираётган, юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган (ўқув йили якунига (*иккита семестр натижасаларига*) кўра фанлардан ўртacha бали 86 ва ундан юқори баллни ташкил этган ҳолда, барча фанлардан 71 баллдан юқори баҳо олган бўлиши зарур), жамоат ишларида фаол, ташаббускор ва интилевчан, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётган, республика ҳамда ҳалқаро олимпиада (*шунингдек, спорт мусобақалари*) галиблари ва совриндорлари, АҚТга оид илемий-тадқиқот, йирик дастурлар ва изланишларда иштирок этаётган талабаларга берилади.

13. Университет илемий Кенгашининг Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодлар тўғрисидаги қарори Университет ректорининг тақдимномасини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Университет ректори Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодлар тўғрисидаги тақдимномани Университет Васийлик кенгашида кўриб чиқиш учун ҳар йили 20 августгача киритиши лозим.

Университет Васийлик кенгашида стипендия тайинлаш ҳақидаги тақдимномани йилига бир марта кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш мuddати – 10-31 август.

14. Университет Васийлик кенгashi Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласи.

Университет Васийлик кенгашининг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияга номзодларни тайинлаш тўғрисидаги қарори тасдиқланади ва бир ўкув йили учун тайинланади.

Бир ўкув йили мазкур тартибга кўра, бир календарь йилининг сентябрь ойидан бошлаб, кейинги календарь йилининг июнь ойига қадар 10 ой деб белгиланади.

15. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия тайинланган талаба Университет илмий кенгашининг йигилишида тантанали равишда эълон қилинади.

VI. Якуний қоидалар

16. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия тайинланган талаба кундалик дарсларни ўзлаштиришда қолоқликка йўл қўйганда, ўқув интизоми ва одоб-аҳлоқни бузган ҳолатларда Университет илмий кенгашининг мурожаатига кўра, Университет Васийлик кенгashi томонидан стипендия берилиши тўхтатилади.

17. Талабаларнинг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.